ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARI BILIMLENDIRIW, ILIM HÁM INNOVACIYALAR MINISTRLIGI

ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ VETERINARIYA HÁM SHARWASHÍLÍQTÍ RAWAJLANDÍRÍW KOMITETI

SAMARQAND MÁMLEKETLIK VETERINARIYA MEDICINASÍ, SHARWASHÍLÍQ HÁM BIOTEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI NÓKIS FILIALÍ

VETERINARIYA MEDICINASÍ HÁM SHARWASHÍLÍQTAǴÍ AKTUAL MASHQALALAR HÁM OLARDÍŃ SHESHIMLERI

atamasındaǵı xalıq aralıq ilimiy hám ilimiy-texnikalıq konferenciya materiyalları TOPLAMÍ

15-noyabr 2024-jıl

"VETERINARIYA MEDITSINASI VA CHORVACHILIKDAGI DOLZARB MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMLARI" mavzusidagi xalqaro ilmiy va ilmiy-texnik anjuman materiallari

TO‘PLAMI

15-noyabr 2024-yil

СБОРНИК материалов

международной научно и научно-технической конференции

"АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ И ЖИВОТНОВОДСТВА И ИХ РЕШЕНИЯ"

15 ноября, 2024 г

NÓKIS-2024

ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARI BILIMLENDIRIW, ILIM HÁM INNOVACIYALAR MINISTRLIGI

ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ VETERINARIYA HÁM SHARWASHÍLÍQTÍ RAWAJLANDÍRÍW KOMITETI

SAMARQAND MÁMLEKETLIK VETERINARIYA MEDICINASÍ, SHARWASHÍLÍQ HÁM BIOTEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI NÓKIS FILIALÍ

VETERINARIYA MEDICINASÍ HÁM SHARWASHÍLÍQTAǴÍ AKTUAL MASHQALALAR HÁM OLARDÍŃ SHESHIMLERI

atamasındaǵı xalıq aralıq ilimiy hám ilimiy-texnikalıq konferenciya materiyalları TOPLAMÍ

15-noyabr 2024-jıl

"VETERINARIYA MEDITSINASI VA CHORVACHILIKDAGI DOLZARB MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMLARI" mavzusidagi xalqaro ilmiy va ilmiy-texnik anjuman materiallari

TO‘PLAMI

15-noyabr 2024-yil

СБОРНИК материалов

международной научно и научно-технической конференции

"АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ И ЖИВОТНОВОДСТВА И ИХ РЕШЕНИЯ"

15 ноября, 2024 г

NÓKIS-2024

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЭШАКЛАРНИНГ БИОГЕЛЬМИНТЛАР БИЛАН ЗАРАРЛАНИШ ДИНАМИКАСИ

Каниязов А.Ж.[1], Сарсенбаев И.Е.[1], Амангелдиев У.А.[1], Дильманова А.И.[2]
[1]Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали,
[2]Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти,
amaniyaz89@mail.ru

Кириш. Бугунги кунда Республикамизда чорвачилик ва ветеринария соҳаларини ривожлантиришга ва қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг бош сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаротилмоқда. Чорвачилик ва ветеринария соҳаларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти бир қатор қарорларни имзолади. Ушбу қарорлар Республикамизда чорвачиликни ва ветеринария соҳаларини ривожлантиришга ва қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг бош сонини кўпайтиришга жуда катта имкониятларни очиб берди.

Шу билан бирга чорвачилик соҳасининг ривожига салбий таъсир этувчи омиллар ҳам мавжуд, шундай омиллар қаторига гельминтоз касалликлар ҳам киради ва чорвачилик соҳасининг ривожланишига жуда сезиларли даражада иқтисодий зарар келтиради.

Тадқиқот ишнинг мақсади. Қорақалпоғистон ҳудудида эшакларнинг биогельминтлар билан зарарланиш динамикасини ўрганишдан иборат.

Материал ва методика. Тадқиқот ишлари учун материаллар 2016-2024 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикасининг қатор туманларидан йиғилди. Ушбу давр мобайнида академик К.И.Скрябиннинг [4] тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган гельминтологик ёриб кўриш усули билан эшаклар текширилди. Бундан ташқари эшакларнинг фекалий намуналари гельминтокопрологик усуллар (Фюллеборн, Калантарян, Щербович, Дарлинг ва кетма-кет ювиш усули) ёрдамида текширилди [1, 2].

Олиб борилган тадқиқот ишларимиз натижасида топилган биогельминтларнинг таксономик таркибига, морфологик белгиларига, паразит локализацияси қараб аниқланди [3].

Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили. Олиб борилган тадқиқот натижасига кўра текширилган эшакларнинг барчасидан Trematoda, Cestoda ва Nematoda синифларига мансуб гельминтлар топилди. Қайд этилган биогельминтлар Trematoda синифига 2 та тур, Cestoda синифига мансуб 5 та тур ва Nematoda синифига мансуб 8 та тур ҳамда улар билан зарарланши даражалари қайд этилди (1 ва 2 жадваллар).

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида эшак организимида бир вақитнинг ўзида 2 тадан 8 тагача биогельминтлар қайд этилди, бу ҳолатда асосан гельминтозлар ассоциатив инвазия шаклида кечаётганлигини кўрсатмоқда.

Тадқиқот натижаларига кўра эшакларда қайд этилган биогельминтларнинг оралиқ хўжайинлари вазифасин сут эмизувчи

ҳайвонлар, чучук сув моллюскаси, орибатид каналар, уй пашшаси, жигалка пашшалари, мокрецлар қон сурувчи чивинлар ва қўнғизлар бажаради [3].

1- жадвал

Қорақалпоғистонда эшакларда учрайдиган биогельминтларининг таксономик структураси

Синф	**Туркум**	**Оила**	**Турлар сони**
Trematoda	Fasciolida	Fasciolidae	1
	Schistosomatida	Schistosomatidae	1
Cestoda	Cyclophellida	Taeniidae	1
		Anoplocephalidae	3
Nematoda	Spirurida	Spiruridae	1
		Gongylonematidae	1
		Habronematidae	3
		Filariidae	1
		Onchocercidae	2
		Setariidae	1
Жами:	**4**	**10**	**15**

Эшакларда қайд этилган биогельминтлар ўртасида инвазия экстенсивлиги юқори бўлган турлар *Schistosoma turkestanicum* (16,1%), *Anoplocephala perfoliata* (22,6%), *Physocephalus sexalatus* (16,1%), *Gongylonema pulchrum* ва (12,9%), *Setaria equina* (12,9%). Инвазия экстенсивлигининг энг кам кўрсаткич *Paranoplocephala mamillana* (3,2%) зарарланиш даражалари аниқланди.

2-жадвал

Қорақалпоғистонда эшакларнинг биогельминтлар билан зарарланиш даражаси

№	**Гельминт тури**	**Локали-зацияси**	**Зарарланган, бош**	**ИЭ, %**	**ИИ, нусха**		
					Lim (M±m)		
1	*Fasciola gigantica*	ўт йўллари, ўт пуфаги	2	6,4	3	19	23,4±1,2
2	*Schistosoma turkestanicum*	жигар ва қорин тутқич томирларида	5	16,1	300	1200	6187±43,7
3	*Anoplocephala perfoliata*	кўр ичак, йўғон ичак	7	22,6	4	13	20,4±1,3
4	*Anoplocephala magna*	ингичка ичак	2	6,4	3	9	32,3±1,8
5	*Paranoplocephala mamillana*	ингичка ичак	1	3,2	2	-	25,7±1,7

6	*Echinococcus granulosus (larvae)*	жигар, ўпкада ва бошқа органида	2	6,4	1	2	3,9±0,6
7	*Habronema muscae*	ошқозон	2	6,4	6	9	20,3±1,9
8	*Habronema microstoma*	ошқозон	3	9,6	3	11	24,6±2,5
9	*Drascheia megastoma*	ошқозон	3	9,6	5	8	32,4±2,8
10	*Physocephalus sexalatus*	ошқозон	5	16,1	4	19	3,5±1,2
11	*Gongylonema pulchrum*	Қизилўнгач ва ошқозон шиллиқ пардаси	4	12,9	3	14	16,7±1,8
12	*Onchocerca cervicalis*	Бўйин пайлари	2	6,4	1	3	11,2±1,2
13	*Onchocerca reticulata*	Чот бўғими пайлари, оёқни эгувчи пайлар, оёқ пайлари соҳасида тери ости клечаткасида	2	6,4	1	2	16,3±1,4
14	*Parafilaria multipapillosa*	тери ости клечаткаси	3	9,6	3	10	46,2±2,4
15	*Setaria equina*	қорин бўшлиги	4	12,9	5	18	27,7±1,9

Хулоса. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра Қорақалпоғистон Республикаси эшакларда қайд этилган биогельминтлар 15 та тур учрайди. Улардан 2 та тури Trematoda, 4 та тур Cestoda ва 9 та тур Nematoda синифига мансуб биогельминтлар паразитлик қилиши аниқланди. Эшакларнинг биогельминтлар билан зарарланиш даражалари турли хил энг юқори (*Anoplocephala perfoliata*) ИЭ 22,6% ва энг паст (*Paranoplocephala mamillana*) ИЭ 3,2% ни ташкил этиши аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Демидов С.С. Гельминтозы животных: Справочник. – Москва: Агропромиздат, 1987. – 157 с.

2. Ермакова Е.В. Гельминтозы лошадей и разработка мер борьбы с ними в условиях северо-запада России.: дисс. ... кант. вет. наук. – Санкт-Петербург. 2020. – 122 с.

3. Ивашкин В.М., Двойнос Г.М. Определитель гельминтов лошадей. – Киев: Наукова думка, 1984. – 164 с.

4. Скрябин К.И. Метод полных гельминтологических вскрытий позвоночных, включая человека. - М.-Л.: «МГУ», 1928. -С.2-45.

ҚОРАМОЛЛАРДА ТУЁҚ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ОРТОПЕДИК ИШЛОВ БЕРИШ

Арзиев Х.Ю., Жумамуратов Э.Ж., Атаниязов С.Б., Есбоганова М.М.
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали

Аннотация. Ушбу мақолада Қорақалпоғистон Республикаси худудидаги йирик шохли ҳайвонлар орасида учрайдиган туёқ ўсишлари ва уларга ортопедик ишлов бериш туғрисида маълумотлар келтирилган. Маҳаллий зотдаги қишлоқ шароитида парваришланаётган йирик шохли ҳайвонларнинг 1,2 фоизида, хориждан келтирилган наслдор йирик шохли ҳайвонларда туёқ ўсиши 13,1 фоизида кузатилган. Туёғи ўсган йирик шохли ҳайвонларга вақтида ортопедик ишлов берилиши лозим агарда бундай ишлов берилмаса, у албатта ҳайвонларда туёқ касалликларига олиб келиши таъкидланган.

Калит сўзлар. Жарроҳлик, консерватив даволаш, оператив даволаш дерматит, флегмона, тилома, артрит, подерматит, йирингли-некротик яра.

Кириш. Бугунги кунда Республикамизда яшаётган аҳоли сонинижадал суратларда ортиши натижасида чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб даражасини купайтиради. Шунинг учун ҳам чорвачилик соҳасини ривожлантириш ҳайвонлардан олинадиган маҳсулотлар миқдорини ошириш ветеринария ходимларининг олдига юксак вазифаларни қуяди.

Қорақалпоғистон Республикаси чорва молларидан олинадиган маҳсулотлар етиштириш бўйича салмоқли уринни эгаллайди. Муҳтарам Президентимиз Ш. Мирзиёев томонидан 2019 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4512 - сонли “Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора тадбирлари туғрисида” ги қарорига мувофиқ Тахтакупир, Бузатов, Қунғирот ва Муйноқ туманлари чорвочиликка ихтисослашган ҳудудга айлантирилди. Ушбу қарорда белгиланган вазифаларни бажариш учун тажрибали ветеринария мутахасисларини тайёрлаш, соғлом ҳайвонлардан иборат пода структурасини яратиш, ҳамда улардан экологик тоза, сифатли ва куп миқдорда маҳсулотлар етиштириш кузда тутилган булиб, бу муаммоларни ҳал қилиш ҳозирги вақтда долзарб вазифа ҳисобланади. Аҳоли эҳтиёжини таъминлайдиган гушт, сут ва улардан олинадиган маҳсулотлар асосан шу ҳудудларда парваришланаётган қорамоллардан олинади. Қорамоллар орасида турли хил инфекцион,